

TOSHKENT HAQIQATI

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

Ортимиз бўйлаб энг улуғ, энг азиз айём – Мустақиллик байрами шуқуҳи ке- зиб юрган шу кунларда халқимиз қалбидаги гурур-ифтихор туйғулари янада юксалмоқда. Сабаби, мамлакатимизнинг турли бурчакларида аллақачон бай- рам тантаналари бошланган. Ҳар куни жойлардан эзгу ишлар, янгиликлар, бунёдкорликлар ҳақида хабарлар келиб турибди.

**ЯНГИ
Ўзбекистонда
ЭЛ АЗИЗ,
инсон азиз!**



ЎРТА ЧИРЧИҚ: ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Тошкент вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати томонидан Мустақил- лигимизнинг 31 йиллиги муносабати билан "Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз!" шiori остида журналист ва блогерлар учун вилоятимизнинг туман-шаҳарларига босқичма-босқич пресс-турлар ташкил этилмоқда. Навбатдаги пресс-тур Ўрта Чирчиқ туманига бўлди. Сўнги йилларда Ўрта Чирчиқ тумани ҳақида сўз борганида кўз олдимиздан замонавий ва кўркам савдо шахобчалари, шаҳарсозлик андозалари асосида бунёд этилаётган тураржойлар ва қатор маиший объектлар гавдаланади.

44 ТА ОИЛА УЙЛИ БЎЛДИ

Халқимизнинг яхши одатлари бор: бай- рам, тантаналар арафасида янги иншоот ва биноларни фойдаланишга топшириш маросимлари ўтказилади. Шу анъана бу- гун ҳам давом этди.

Гап шундаки, вилоят ҳокими вази- фасини бажарувчи Зойир Мирзаевнинг ташаб- буси билан Ўрта Чирчиқ туманининг "Фа- ровон" маҳалласида барча қулайликларга эга тўрт қаватли бино эҳтиёжманд ои- лаларга уй-жой учун ажратилган эди.

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафа- сида 44 та оилага шу уйдаги хонадонлар тантанали вазиёта топширилди.

Маросимда вилоят ҳокими ўринбосари Зуҳра Миргазиева, туман ҳокими Ихтиёр Қосимов, нурунийлар ва кенг жамоатчи- лик вакиллари иштирок этишди.

Сўзга чиққанлар бу каби юксак ин- сонпарварлик ва ғамхўрлик мамлақати- мида инсон азизлиги, барча саъй-ҳара- катлар инсон қадрини учун қилинаётганининг яққол ифодаси эканини таъкидлашди.

Уйлари топшириш маросими суннат тўйларига улашиб кетди. 17 нафар тўй- болаларнинг ҳар бирига велосипед ва совга- лар топширилди.

(Давоми 2-саҳифада) ▶

Айни пайтда туман- даги 57 та маҳаллада 133 минг 242 нафар аҳоли истиқомат қилади. Худудда 43 минг 329 нафар вояга етмаганлар, салкам 13 мингга яқин боғча ёшидаги болалар улғай- моқда. 62 минг 704 оила доимий даро- мадга эга.



ҚУВОНЧИМИЗГА ШЕРИК ҚЎШНИЛАР

Шуқуҳ



Бекобод шаҳрида Ўзбекистон Респу- бликаси давлат Мус- тақиллигининг 31 йиллиги муносабати билан "Янги Ўзбеки- стонда эл азиз, инсон азиз!" эзгу ғояси асо- сида маданий, маъ- навий-маърифий тад- бир бўлиб ўтди.

Тадбирга ён қўшимиз, қардош Тожикистон Рес- публикасида ҳам меҳмон- лар таклиф қилинди.

Маълумки, ҳар икки дав- лат халқларини умумий тари- хи, маданияти ва маънавий қадриятлари, ўзаро ҳурмат

ҳамда яхши қўшничиликнинг кўп асрлик анъаналари бир- лаштириб туради. Бу яқинлик Ўзбекистон билан Тожики- стон давлатлари ўртасидаги муносабатларда мустақкам замин бўлиб хизмат қил- моқда. (Давоми 4-саҳифада) ▶

Дўстлик ризидалари янада мустақкамланди



Жойларда Ўзбекистон Республикаси давлат Мустақиллигининг 31 йиллиги байрами арафасида "Янги Ўзбекистон- да эл азиз, инсон азиз!" ғоясини ўзида мужассам этган маънавий-маърифий тадбирлар давом этмоқда. (Давоми 4-саҳифада) ▶

МИЛЛАТ БАХТИН СЎРАР МИЛЛАТ ОТАСИ



Сирожиддин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири

Оллоҳ номи билан бошладик калом,
Оллоҳ даргоҳида энг олий инъом,
Келдик – дил ва тилда лаббайка, салом,
Бандага раводир Ҳақ хидояти,
Бизга насиб этмиш Байт зиёрати.

Лак-лак одамзодни яратган Эгам,
Меҳру карамини таратган Эгам,
Оламини бир жойга қаратган Эгам –
Минг-минг ҳикмат эрур бир ишорати,
Бизга насиб этмиш Байт зиёрати.

Юргандик умрнинг ўйлови билан,
Ногоҳ Худойимнинг йўллови билан,
Ердаги соясин қўллови билан,
Ҳақ ижозати ҳам Ҳақ иродати –
Бизга насиб этмиш Байт зиёрати.

Мадинатун Набий, мунаввар шаҳар,
Азалдан то абад музаффар шаҳар,
Ўзинг дийдорига қилдинг муяссар,
Порлоқ манзилларнинг нур ҳикояти,
Бизга насиб этмиш Байт зиёрати.

Муборак равазда айлаб дуолар,
Бўлмасин деб ҳаргиз бало-қазолар,
Юрт эгаси сўрар элга зиёлар,
Раббим соясидир – эл ҳимояти,
Бизга насиб этмиш Байт зиёрати.

Мухаддис боболар руҳига қасам,
Сеҳру ҳикмат тўла дунёи азим.
Маккатилло сори айладик азм,
Бўлмас зиёратнинг кўп, зиёдати,
Бизга насиб этмиш Байт зиёрати.

Умр – инсоннинг бир саёҳатидир,
Умра – Байтуллоҳнинг зиёратидир.
Имону эътиқод роиятидир.
Тилларда Куръоннинг қалб кироати,
Бизга насиб этмиш Байт зиёрати.

Уйинга бош уриб келдик, ё Оллоҳ,
Сен биздан огоҳсан, биз қайда огоҳ.
Ё қодир Оллоҳим, ё Каъбатуллоҳ,
Қалбнинг роҳати ҳам қалб риёзати –
Бизга насиб этмиш Байт зиёрати.

Нажот эҳромини биз ўраб келдик,
Энг аввал эл-юртга бахт сўраб келдик,
Кетмас тожу давлат, тахт сўраб келдик,
Бордир ҳар дуонинг ўз ижобати,
Бизга насиб этмиш Байт зиёрати.

Миллат бахтин сўрар миллат отаси,
Кўзлардаги ёшлар – дил ифодаси.
Бунда ниятларнинг йўқ ниҳояси.
Мақсад – юрт толеи, халқ саодати,
Бизга насиб этмиш Байт зиёрати.

Саждага бош уриб одил Раҳнамо,
Тинчлик-омонлик деб айлар тавалло.
Ёш авлод камолин сўрар аввало,
Халқ учун бўлди бу Ҳақ шафоати,
Бизга насиб этмиш Байт зиёрати.



Ўттиз йилдан буён қутилган ташриф,
Ўзинг эл мақомин айладинг шариф.
Имом Бухорийдан тахсин ва таъриф –
Ҳақ шарофати бу, Ҳақ инояти,
Бизга насиб этмиш Байт зиёрати.

Муфти ҳазратлари ҳозир-нозирлар,
Дуога қўл очиб турар вазиралар.
Минг йиллардан сўнг ҳам буни ёзурлар –
Янги замонларнинг зар китобати,
Бизга насиб этмиш Байт зиёрати.

Ўтган ота-бобо, оналарни ҳам,
Ўзинг раҳмат қилгил, айлагил карам.
Жаннат тўрларидан жой бергил, Эгам.
Оналар учундир қарз тиловати,
Бизга насиб этмиш Байт зиёрати.

Сендан умидвор зор кўнгиллар учун,
Заҳматкаш опалар, сингиллар учун,
Муқаддас Каъбанинг кўрсатил кучин,
Уксик дилларгадир меҳр ояти,
Бизга насиб этмиш Байт зиёрати.

Кимлар бу кунларга етиб-етмаган,
Асрлар армони дилдан кетмаган,
Ҳазрат Навоийга насиб этмаган.
Недир бу ўқинчининг сир-синоати?
Бизга насиб этмиш Байт зиёрати.

Шу боис, олийшон мезбонларни ҳам,
Подшоҳу валиаҳд султонларни ҳам –
Ўзинг даргоҳингда қилгил муқтарам,
Ҳурмат-эҳтироми ҳам итоати –
Бизга насиб этмиш Байт зиёрати.



Кўнгул минтақаси

Эл-юрт барчамизга жону жаҳондир,
Ота макондир ҳам бобо макондир.
Ватан, она Ватан Ўзбекистондир –
Шавкатли зотларнинг шайн, шижоати,
Бизга насиб этмиш Байт зиёрати.

Эзгулик туғини баланд тутгаймиз,
То дунё тургунча хушёр ўтгаймиз,
Йўлбошчи ёнида бедор ўтгаймиз,
Ватанни севмоқлик – қалб диёнати,
Бизга насиб этмиш Байт зиёрати.

Жидда – Макка мукаррама –
Мадина мунаввара –
Тошкент

МЕБЕЛЬ ВА ГИЛАМИН БИР ЖОЙДАН ОЛАСИЗ

Юртимиз мебельсозлик саноати ҳақида гапирганимизда Тошкент вилоятига алоҳида тўхталмасак бўлмайди. Айни вақтда вилоятда 400 га яқин мебель маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар мавжуд. Улар томонидан ёғоч, пластмасса, темир, қамиш, новда, бамбук каби хом ашёлардан мебель маҳсулотлари ишлаб чиқаришмоқда. Вилоятдаги мебель ишлаб чиқарувчи экспортёрлар томонидан 36 хил маҳсулот дунёнинг 7 та дав-

Қисқа муддатда ўз лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этган тадбиркор яна бир ишга бош-қош бўлди. У "Sag gilam baza" деб номланган янги мажмуани ҳам ишга туширди. Мажмуада аҳолига арзон ва қулай нархларда турли ҳажм ва дизайн-даги гиламларни харид қилиш имконияти яратилди.

МАХСУЛОТИМИЗ "СИТИ"ЛАРНИ ЁРИТМОҚДА
"Халқобод" маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган "Jannat-fayz-baraka-omad" МЧЖга қарашли "Асадбек Энерго" ишлаб чиқариш

рилади. Маълумки, аҳоли сонининг ўсиши, янги уй-жойлар қурилиши, шунингдек, йирик корхона ва ташкилотларнинг бунёд этилиши ўз-ўзидан электр энергиясига бўлган эҳтиёжнинг ортисига олиб келмоқда. Демак, юқори қувватли трансформаторларга ҳам талаб ортмоқда. Ҳатто, пойтахтимизда бунёд этила-

ортик иш ўрни яратилган.
ҲОИДАЛИ ТАШАББУС
Туманда "Агробанк" ташаббуси билан иш бошлаган вилоят агро маркази қишлоқ хўжалиги тармоғида 20 турдаги хизматлар кўрсатиш қувватига эга.
— Агромарказ қишлоқ хў-

"ДҮНГҚҮРҒОН" ГА АРМУҒОН



Мустақиллигимизнинг 31 йиллиги арафасида Пискент туманининг "Дүнгқурғон" маҳалла фуқаролар йиғинида 21-сонли давлат мактабгача таълим ташкоти фойдаланишга топширилди.

ЎРТА ЧИРЧИҚ: ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

латига сотилмоқда. Шу кунларда экспорт географияси янада кенгайиб, Германия ва Нидерландия давлатлари ҳам бизда ишлаб чиқарилган мебелларга харидор бўлишмоқда. Эътиборлиси, мебель экспортининг асосий улуши Ўрта Чирчиқ туманига тўғри келмоқда.

Туманининг "Туркистон" маҳалласидаги салкам 2 гектар ер майдонига қурилган "Qorasuv Mebel Savdo" корхонасининг лойиҳа қиймати 3,5 миллион долларни ташкил этади. Бу ерда ишлаб чиқарилган мебеллар ички бозорга сотилиши билан бирга кўплаб давлатларга экспорт қилинмоқда. Жорий йилда корхона томонидан бюджетга 1,9 миллиард сўм солиқ ва бошқа йиғимлар тушиши кутилмоқда.

— Фаолиятимизни 2014 йилда оилавий кооперация асосида бошлаган эдик, — дейди корхона раҳбари Раҳмон Отақулов. — Уғлим Давронбекнинг саъй-ҳаракатлари билан 2020 йилга келиб, аукцион орқали мана шу 2 гектар ерни сотиб олдик ва барча техник шартлошларга эга бўлган мебель фабрикасини қурдик. Мажмуа бошқа савдо объектларидан ҳам ишлаб чиқариш, ҳам савдога қўйиш имкониятлари мавжудлиги билан ажралиб туради.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)



заводида трансформаторлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Мазкур завод йилга 120 донна трансформатор ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, 20 миллиард сўм маблағ эвазига қурилган.

— Асли касбим электр таъмирловчи, — дейди завод бошқарувчиси Жонибек Мамбетов. — Одатда электр энергиясини таъминлаш трансформатор билан амалга оши-

ётган замонавий ситиларга ҳам корхонамизда ишлаб чиқарилаётган трансформаторлар ўрнатилмоқда. Шунингдек, худудларда яроқсизлиги ортган трансформаторларни қайта созлаб берамиз. Тез фурсатда маҳсулотларимизни экспорт қилиш ниятидамиз.

МЧЖ раҳбари Наргиза Тўхташеванинг айтишича, аҳоли истеъмоли учун ишлаб чиқарилаётган ҳар бир маҳсулотнинг сифати аъло даражада бўлиши лозим. Айни вақтда корхонада 20 дан

жалиги тармоқларига комплекс хизмат кўрсатади, — дейди "Кучли томорқа хизмати" кластер раҳбари Нурали Аҳмедов. — Маълумки, глобалъ иқлим шароитида ер унумдорлигининг пастлаши, экинларнинг турли зараркунданлар билан шикастланиши каби қатор муаммолар қишлоқ хўжалигига катта зарар етказди. Бундай вазиятларда агро марказимиз дарҳол ёрдамга етиб боради ва муаммони бартараф этади.

Ўрта Чирчиқдан бир олам таассуротлар билан қайтдик. Туман аҳолиси кутлуг сана арафасида ўзгача кўтаринкилик, ишжоват билан меҳнат қилишмоқда. Буни маҳаллаларнинг фойдасидан, бунёкорликлардан хушнуд одамларнинг чеҳрасидан англадик.

Нигора ҲОИДОВА
Тошкент ҳақиқати/
Р. ГАЛИЕВ олган суратлар



Кўрик-танлов

ҲОРМАНГ, ИШБИЛАРМОН АЁЛЛАР

Олмалик шаҳридаги "Металлург" маданият саройида "Ишбилармон аёл – 2022" кўрик-танловининг Тошкент вилояти босқичи ўтказилди.

Мустақиллигимизнинг 31 йиллик байрами муносабати билан "Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз!" шиори остида ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси депутатлари, О'зЛиДеР Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси аъзолари, танловнинг туман-шаҳар босқичи ғолиблари, тадбиркорлар, партия фаоллари қатнашишди.

Танлов доирасидаги кўргазмада вилоятда фаолият юритаётган салоҳиятли фермер, тадбиркор ва ишбилармон аёллар раҳбарлигидаги корхоналар маҳсулотлари намойиш этилди.

Танлов иштирокчиларини Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, О'зЛиДеР, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликчиси ва томорқа ер эгалари Кенгаши, Ўзбекистон Касаба уюмлари федерацияси, Савдо-саноат палатаси вакиллари билан биргаликда тақдим қилишди.

Асосий эътибор иштирокчиларнинг экспорт ва импорт салоҳияти, хорижий инвестицияларни жалб қилишдаги фаоллиги, ноғиронлар, иқтисодий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларини қўллаб-қувватлашда амалга оширган хайрли ишлари, хотин-қизларни тадбиркорликка жалб қилиш, уюшма-

ган аёлларга касб-хунар ўргатиш сингари жиҳатларига қаратилди.

Яқиний натижаларга кўра, Паркент туманидаги "Shabnam elegant" МЧЖ раҳбари Сурайё Телақова биринчи ўринни кўлга киритди. Иккинчи ўринга Ўрта Чирчиқ туманидаги "Agro city" МЧЖ раҳбари Дилбар Аҳмеджанова муносиб топилди. Учинчи ўрин эса Оҳангарон туманидаги "Ohangaron rustam agro" МЧЖ раҳбари Насиба Дадаматовага насиб қилди.

— Бу галги танлов ғолибини аниқлаш осон бўлмади, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Дилбар Усмонова. — Сабаби, иштирокчиларнинг ҳар бири эътирофга лойиқ ютуғи, салоҳияти, худуд иқтисодиётида ўз ўрнига эга. Бири хорижий инвестицияларни фаол жалб қилган бўлса, иккинчиси имконияти чекланган хотин-қизларни касб-хунарга йўналтирган. Яна бири ҳали 22 ёшда бўлишига қарамай хунар сирларини мукамал эгаллаб, 20 дан ортиқ шогирдлар етиштирган. Эътиборлиси, эндиликда аёлларимиз нафақат ўз оиласининг моддий фаровонлигини таъминлаётди, балки мамлакат иқтисодиётига ҳам муносиб ҳисса қўшапти.


Ғолибларга диплом ва эсдалик совғалари тақдим этилди.

Абдулазиз МУСАЕВ

Рақамлар сўзлаганда

Жорий йилда Тошкент вилоятининг олис ва чекка худудларидаги 70 та маҳаллада махсус жиҳозланган контейнерларда тиббиёт пунктлари ташкил этилиб, фойдаланишга топширилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан мазкур ташаббус қўллаб-қувватланиб, олис ва чекка худудлардаги маҳаллаларда бирламчи тиббий-санитария ёрдамнинг сифат ва самарадорлигини ошириш, тиббий ёрдам кўламини кенгайтириш ва аҳолига янада яқинлаштириш борасидаги саъй-ҳаракатлар жойларда аҳоли учун мана шундай қулайлик яратди.



Жорий йил бошидан буён Тошкент вилоятида 169 та мактабгача таълим муассасаси фойдаланишга топширилди. Бу сўнги йилларда мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш учун яратилган қулай шарт-шароитлар, нодавлат мактабгача таълим муассасалари сонини янада оширишга қаратилган ташаббусларнинг ёрқин намунаси дидир.

Вилоят бўйлаб

Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Тошкент вилояти бўлими ҳамда ҳамкор ташкилотлар кўмағида **ПАРКЕНТ туманидаги** "Юксалиш имконияти" масъулияти чекланган жамиятида вилоятдаги кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандлари учун байрам дастурхони ёзилди. Учрашувда ўғил-қизларга мактаб формалари, ўқув қуроллари ва бадий китоблар тақдим этилди.

ЯНГИЙҮЛ туманининг "Тинчлик" массивида ташкил этилган кичик саноат зонасидаги "Priceless milk" МЧЖни мустақиллигимизнинг ўттиз бир йиллик байрами кунлари фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 10,4 млрд. сўм бўлиб, яратилган янги иш ўринлари 45 тани ташкил этади. Корхонада йилга 20 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади.

НУРАФШОН шаҳар тиббиёт бирлашмаси шифокор ва патронаж ҳамширалари шаҳардаги биринчи гуруҳ ноғиронлари ҳамда нуронийларни тиббий кўриқдан ўтказишди.

Шифокорлар тавсияси асосида даволанишга кўрсатмаси бўлган беморлар керакли дори-дармонлар билан таъминланиб, улар учун уй шифохонаси ташкил этилди.

БЎСТОНЛИҚ туманида истиқомат қилувчи 69 нафар "Ёшлар дафтари"га киритилган йигит-қизлар туман ҳокими Ж. Аҳмедов томонидан рағбатлантирилди. Уларга касб-хунарларидан келиб чиққан ҳолда асбоб-ускуналар топширилди. Шунингдек, 24 нафар ёшнинг сафарбарлик қақриув резерви, ҳайдовчилик, ҳайвончилик, даволаниш харажатлари қоплаб берилди.

БЕКОбОД туманидаги "Гулистон" маҳалласи ҳоким ёрдамчисининг амалий кўмағи билан 100 ўринли, 15 нафар иш ўрнига эга давлат-хусусий шерикчилик асосида мактабгача таълим ташкилоти ташкил этилди. Мазкур боғча 5 сентябрь куни очилади.

"ЧИРЧИҚ кимё-индустриал технопарки" ҳудудида "Rhodium Polimer" МЧЖ томонидан кўпиклантирилган полипропилендан маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳаси ишга туширилди. Шу муносабат билан шаҳар ҳокими Даврон Ҳидояттов корхонада бўлиб, лойиҳа билан яқиндан танишиб чиқди.

Корхона йилга 2 минг тонна кўпиклантирилган полипропилен маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга.

Ҳамкорлик



САМАРАЛИ МУЛОҚОТ

Чирчиқ шаҳар ҳокими Даврон Ҳидояттов Жанубий Кореянинг "Eurasia Networks Group" компаниясининг бошқарув раиси Kim Chang Keon бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Учрашувда компания томонидан Чирчиқ шаҳрида амалга оширилиши режалаштирилган инвестиция лойиҳалари юзасидан музокаралар олиб борилди. Кореялик ишбилармонлар Чирчиқ кимё-индустриал технопарки фаолияти билан танишишди. Айтиш жоизки, бугунги кунда корхонага кўплаб хорижий инвестор-

лар қизиқиш билдирмоқда. Чирчиқ кимё-индустриал технопарки ташкил этилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Ушбу масъулияти чекланган жамият ҳудудда қулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яратиш, минерал хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш, ички ва ташқи бозорларга рақобатбардор маҳсулотларни етказиб беришга мўлжалланган.

Юридик клиника

ПЕНСИОНЕРГА
ЎЗ ВАҚТИДА ОЛИНМАГАН
НАФАҚА ҚАЙ ТАРТИБДА
ТЎЛАНАДИ?

– Шунингдек, хорижда бўлган қариндошининг пенсиясини ишончнома орқали олиш мумкинми?

Шу каби саволларга бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ходими Элдор Худойбердиев жавоб беради:

– Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисидаги Қонуннинг 59-моддаси ва Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат ишларини тасдиқлаш тўғрисидаги" қарори мавжуд. Мазкур ҳужжатлар ва давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 169-бандларига кўра, вақтида олинмаган пенсияни тўлаш тартиби белгиланган. Бу ҳолатда пенсиянинг ҳисобланган суммаси ўтган вақт учун пенсиялар миқдорлари оширилиши ҳисобга олинган ҳолда бир йўла тўланади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 252-сонли қарори ва давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 160-бандига кўра, хорижда бўлган фуқаро Ўзбекистон Республикасига кела олмаган пайтида ишончнома орқали пенсия тўлаши мумкин.

Бунинг учун Ўзбекистон ташқарисида расмийлаштирилган ишончномага ҳужжат расмийлаштирилган давлатнинг ваколатли давлат органи томонидан априор кўйилиши лозим. Бунда ишончнома берган шахс Пенсия жамғармаси бўлимига бир йилда камидан бир марта келиши керак. Бу билан фуқаро тайинланган пенсияга бўлган ўз ҳуқуқини тасдиқлайди.

Вақил пенсия тўлашга таъсир этиши мумкин бўлган барча ҳолатлар ҳақида Пенсия жамғармаси бўлимига хабар бериши шарт.

Бунда фуқарога Ўзбекистоннинг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари томонидан 3 хил мазмундаги маълумотномалар берилади. Шундан кейин пенсия тикланиб, 12 ойдан ошмаган муддатга тўлаб берилиши мумкин.

Ў.А.

“Тошкент ҳақиқати” йўқлови

Буюк аждодимиз Алишер Навоий бободехқонлар меҳнатини, шаънини улуғлаб, “Олам маъмурлиги алардин, олам аҳли масрурлиги алардин. Ҳар қаён қилсалар ҳаракат, элга ҳам кут еткурур, ҳам баракат”, деб айтган сўзларида теран ҳақиқат муржабам.

Ватанимиз Мустақиллигининг шонли 31 йиллигини муносиб нишонлаш мақсадида давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган қарорни ўқир эканман, беҳосдан кўнгилдан “Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор...” деган ҳаётий ҳақиқат ўтди. Кўз олдимда бу нурафшон кунларни кўриш насиб этмаган

инсонларнинг нури чехраси бирма-бир намоён бўла бошлади. Бугун мана шу шуқуҳли онларда мен учун қадри бўлган ана шундай сиймолардан бирини хотирлашни ният қилдим.

Ун ил аввал таниқли чўлқувар, 1963 йилдан то умрининг охиригача “Ўртаосийёсовхозқурилиш” Бош бошқармаси қишлоқ хўжалик бошқармаси бошлиғи бўлган Абдулҳай Тоировнинг 100 йиллиги нишонланадиган бўлди. Бу инсон ўз вақтида атоқли давлат ва жамоат арбоби Шароф Рашидов Сирдарё ва Жиззах вилоятлари пахта далаларини кўздан кечириш учун ташриф буюрганда, доим ҳамроҳлик қилар эди.



фақиятларида, айниқса, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ютуқларида Абдулҳай Тоировнинг ҳиссаси катталиги шубҳасиз. Биз, унинг шоғирдлари устозимиздан доно маслаҳатлари ва бой ҳаёт тажрибаси билан беминнат ўртоқлашгани учун миннатдоримиз.

Ўз вақтида Жиззах вилоятининг раҳбари бўлган, Давлат мукофоти лауреати Тўхтамыш Боймиров хотирларидан:

“Мирзачўл тарихида қаҳрамонлар кўп, ҳар бирларининг ўз муносиб ўринлари бор. Лекин мирзачўлликларнинг ҳамма томондан бирдай тан олинган улғу устозлари бор эди. Улардан бири Абдулҳай Тоиров Мирзачўлнинг академик-агрономи бўлиб тарихга кирди. Бу фахрли номни унга халқ берди, унинг улғу хизматларини тан олган сафдошлари, замондошлари берди... Назаримда, бу шарафли ном бу аjoyиб инсоннинг ярим асрлик чўлқуварлиги давомида олган барча мукофот ва унвонларидан банд ва мўътабарроқдир.”

Ватанимиз Мустақиллигини кўриш Абдулҳай акага насиб этмади. Лекин у кишининг юзлаб шоғирдлари халқ хўжалигининг турли соҳаларида фидойиларча меҳнат қилиб, Янги Ўзбекистонни яратиш йўлида тинмай самарали фаолият кўрсатиб келишмоқда.

Дарвоқе, бу йил Абдулҳай Тоиров таваллудига 110 йил тўлади. У кишини Аллоҳ ўз раҳматида олсин, деймиз...

Едномамизни буюк мутафаккир бобомизнинг қаламига насоб ҳикматдан бошлаган эдик. Якуни ҳам ҳазрат Навоийнинг дурдона фикрларидан топдик:

Бу гулшан ичра йўқдур бақо
гулса сабот,
Ажаб саодат эрур қолса
яхшилик биле от.
Носир ТОИРОВ,
Ўзбекистон журналистлари
уюшмаси аъзоси

Ўтми қадамларнинг
қўтли излари



Абдулҳай Тоиров 1912 йил 12 октябрда Шаҳрихон шаҳрида туғилган ва кейинчалик қишлоқ хўжалигининг йирик даргаларидан бирига айланган. У киши ўтган асрнинг 30-50-йилларида Тошкент вилоятидаги Оржоникидзе (ҳозирги Қибрай), Қорасув (ҳозирги Зангиота) туманларида қишлоқ хўжалик бўлими раҳбари, Тошкент вилояти техник экинлар бошқармаси бошлиғи бўлиб ишлаган, Сирдарё тумани ижроқўмининг раиси, Мирзачўл (ҳозирги Гулистон) туман партия комитети биринчи котиби, Бухоро, Наманган, Сурхондарё (Қашқадарё вилояти билан қўшилган вақтда) вилоятлари ижроқўми раиси, Бухоро ва Наманган вилоят партия комитетлари биринчи котиби бўлиб сайланган.

1955-1960 йилларда А. Тоиров Наманганда ишлар экан, Ўзбекистон Олий Совети Президиумининг аъзоси бўлган. У киши ишлаган даврда вилоят қатор кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистонда пешқадамга айланган. Ҳали-ҳали вилоятда у киши амалга оширган кўпгаб ташаббуслар эсланади...

Абдулҳай ака Наманган вилоятида ишлаган даврларидан бир воқеани айтиб берган эдилар:

– Обкомга келсам, бино эши-

ги олдида анчагина одам тўпланиб қолди. Йирилганлар билан суҳбатладим. Маълум бўлдики, кўпларининг қизлари, келинлари асосан савдо ташкилотларида ишлаб, турли сабаб билан “растрата”га йўл қўйиб жавобгарликка

тортиладиган бўлибди. Шунга уларнинг оталари, оналари, қайноталари келган экан. Мен бу ишларнинг тағди тамағирлик, порахўрлик иллати ётганини ўйладим ва эртасига вилоятнинг барча фаоллари (райком котиблари, ижроқўм раислари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари раҳбарлари ва савдо ташкилотлари раҳбарлари) билан йиғилиш ўтказдим. Мен ўз сўзимда: “Бу ерда оладиганлар ҳам ўтирибди, берадиганлар ҳам ўтирибди. Агар кимдир беришга тайёрлаб қўйгани бўлса ҳеч кимга бермасан. Олишга тайёрлаб бўлса олишдан ўзини тийсин. Ҳаммангиз тегишли чора кўрингиз ва ишларингизни тартибга келтиринг. Мен уч ойдан кейин Фаргона ва Андижондан тегишли одамларни қақриб, савдо соҳасида текшириш ташкил этман”, дедим. Уч ойдан кейин текшириш ўтказдик, 2 та жойда яна растрата топилди. Лекин вилоятда порахўрлик, тамағирликка кучли зарба берилди, савдода ишлар анча яхшиланди ва бизни вилоят бир неча йил “Ўзбекбирлашув” байроғини ўз қўлида ушлаб турди...

Дарҳақиқат, Абдулҳай ака бирор ишда камчилик кўрсалар қаттиқ ранжиб, зудлик билан ишни яхшилашни талаб қилар ва назоратга

олар эди. Лекин Абдулҳай акани республикамизда кўпроқ моҳир деҳқон, Шароф Рашидов таъбири билан айтганда, “пахтачилик халқ академиги” деб билишар эди...

Яна Абдулҳай аканинг 100 йиллигига келсак...

Ўшанда илгари Матбуот қўмитаси раиси, Ўзбекистон журналистлари уюшмаси раҳбари бўлган Собир Қурбонов ва камини А. Тоировнинг юбилейига бағишлаб, “Ўзимизнинг Абдулҳай ака” номли эсдаликлар тўпламини тайёрладик. Китоб қўлёмаси билан танишиб чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов китобга кириш сўзи ёзиб берадиган бўлди.

Абдулла ака кириш сўзи ёзиш жараёнида биз билан суҳбатлашар экан, ёшлик пайтларида Мирзачўлда бўлгани, чўлқуварлар билан кечалари гулхан атрофида қизгин гурунларда қатнашгани, Абдулҳай аканинг дўстлари ва шоғирдлари Турсун Умаров, Худобер Латипов, Кенибек Укубоев, Қарши чўлқуварлари эса Эркин Турсунов, Фармон Омонов, Соиб Усмоновлар билан учрашгани, улар Қашқадарёда ҳам яхши из қолдирган ўз устозлари – пахтачилик билимдони бўлган Абдулҳай Тоиров ҳақида заъф билан гапирганларини эслади.

Шундан сўнг, Абдулла Ориповнинг кириш сўзи билан, “Ўзимизнинг Абдулҳай ака” китоби чоп этилди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими, иқтисод фанлари номзоди Дамир Ёдгоров Абдулҳай акани шундай хотирлайди:

“Ўртаосийёсовхозқурилиш” Бош бошқармаси фаолиятини акс

этирадиган рақамлар ниҳоятда таъсирчан эди. Мана, бир-икки миносол: 1985 йилга келиб Бош бошқарма ва унинг бўлинмаларининг 200 минг кишилик жамоалари 700 минг гектар янги сугориладиган ер майдонини қишлоқ хўжалик айланмасига киритдилар, 6 млн. квадрат метр уй-жой қурилди, 162 та янги давлат хўжаликлари ва хўжалик ҳисобидига участкалар ташкил этилди. Ушлаштирилган массивларда ўн минглаб километр узунликда электр узатиш линиялари, муҳандислик иншоотлари, автомобиль йўллари, юзлаб маданий-маиший объектлар қурилиб, ишга туширилди.

Шароф Рашидовнинг ташаббуси билан янги ўзлаштирилган ерларда аҳолиси ўша вақтда бир миллиондан ортиқ бўлган иккита – Сирдарё ва Жиззах вилоятлари, 17 та маъмурий туманлар тузилди, 300 мингтага яқин янги иш ўринлари яратилди. Ташкил этилган агросаноат мажмуалари ҳар йили 800 минг тоннадан ортиқ пахта хом ашёси, 600 минг тонна дон, шу жумладан, шопи, 160 минг тонна сабзавот, полиз ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб берад эди...

Баландпарвоз гаплардан йироқ бўлиш лозим, лекин ҳақиқатни айтиш керак: чўлларни ўзлаштириш янги худудларда шаҳар ва кўрғончалар, саноат, қурилиш, йўллар, қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари, ижтимоий соҳа ва маданиятнинг жадал ривожланишига олиб келди, юз минглаб қишлоқликлар учун меҳнат ва чиниқиш, маънавий юксалиш, биродарлик, жамоавийлик ва ватанпарварлик мактаби бўлди.

Чўлқуварларнинг барча муваф-

Дарвоқе

Бугун ҳақерлик жиноятлари ҳар доимгидан кўп муҳокамаларга сабаб бўлмоқда. Кредит карточаларидан пул ўғирлаш, веб-сайтларга ноқонуний кириш, паролларни бузиш – буларнинг ҳаммаси устасифаранг бузғунчиларнинг иши.

Мақолада илм-фан юзага келтирган энг глобал муаммо ҳақерлик ва унинг асосчиси Кевин Митник фаолиятига назар ташлаймиз.

Дунёга донги кетган илк ҳақер Кевин Митникнинг ғайриоддий ҳаёти ҳақида бугунгача фильмлар суратга олинди, турли китоблар чоп этилган. Ҳарбда кўпчилик унинг ўз

уйда кўпинча ёлғиз қолиб, аксарият вақтини виртуал дунёда ўтказгани ҳақида гапирган.

БОЛАЛИК ВА ФИРИБ...
Кевин илк фирибгарликни болалигидаёқ амалга оширади: у автобуста юришни яхши кўрар, бироқ чинта учун пули йўқ эди. Шунда болакай муддати ўтган савҳат карта-

тўғрилаш имкони туғилишига қарамай, Кевин бу ишни қилмади. Сабаби, уни фақат ҳақерлик жараёни қизиқтирган, натижа эса иккинчи даражали эди.

КАМОК ВА ТАЪЛИМ
Кевин Лос-Анжелес Пирс коллежида ва Жанубий Калифорния университетидеда ўқиган бўлса-да, компьютерга оид билимларини мустақил, ўз устидега тинимсиз ишлаш натижасида эгаллаган.

Кевин Митник илк бор 1979 йил ўли олти ёшида қонуний бузадиган жиддий ҳаракатга қўл уради. Ушанда “Digital Equipment Corporation” компьютер тармоғига рухсатсиз кириди. Йирик телефон компания-

лиятига қайтмади. 2010 йилда компьютер тизимларини ҳимоя қилиш устидега илгари, тармоқ хавфсизлиги бўйича “Defensive Thinking Inc” компаниясининг асосчиси айланган.

Қизиғи, кейинроқ Митник полицияга ёрдам бера бошлади. Ушанда Мичигандаги кичик шаҳарчада «телефон террорчиси» пайдо бўлгани ҳақида хабарлар аҳолини кўрқувга солганди. Террорчи маҳаллий мактабга қўнғироқ қилиб, тахдид ва бомба ҳақида хабар берган. Полиция ҳар қанча уринса-да, телефон тизими орқали босқинчини аниқлай олмайди.

Ушанда полиция зобити Жон Кек умидсиз ҳолда “World wide web” ташкилотига ёрдам сўраб мурожаат қилганида, Митникдан бошқа ҳеч ким унинг илтимосини бажаришга уринмади. Фақат Митникнинг ёрдами билан безори ҳисбга олинди.

МАШҲУРЛИК
Ўша вақтда Кевиннинг ҳаёти кўпчилик ғарблиқлар учун қизиқ ҳодисага айланганди. Унинг машҳурлиги шу даражада юқорилайдики, отаси Кевиннинг баъзи нарсаларини интернет аукционларида муваффақиятли сотди. Ҳатто, қамоқдалигида у ҳақида турли маулифларнинг кўпгаб китоблари нашр этилган. Жазо муддати бўйича ҳукм чиқарилганидан кўп ўтмай, журналист Жон Маркофф Митник ҳақида «Ҳақер» китобини нашр этган.

Шунингдек, Кевин фаолияти ҳақида «Ҳақер» бадиий фильми ҳам суратга олинди, унда Кевин образи ижобий қаҳрамон сифатида акс эттирилади. Шу сабаб, ушбу картина катта баҳс-мунозараларга сабаб бўлади. Кевин Митникнинг ўзи эса келгуси ҳаётини ахборот технологиялари хавфсизлиги бўйича китоблар ёзишга бағишлаган.

Мафтуна КАРИМОВА

ҚИЛМИШИ ҚАҲРАМОНЛИККА АЙЛАНГАН
БУЗҒУНЧИ...



касбидан инсонларга зиён етказиш мақсадида фойдаланмагани ҳақида гапирди. Аммо, бизнингча бузғунчилик ҳарчанд қаҳрамонлик либосига ўралмасин, унинг моҳияти ўзгариб қолмайди.

Кевин масофадан туриб, бегона компьютерга кирганлиги учун қамалган дунёдаги биринчи ҳақер. Жами 23 та банд билан ҳақерлик ҳужуми айбловига розилик билдирган бу шахс 1963 йилда АҚШда туғилган. 5 ёшида унинг отаси оиласини ташлаб кетган. Эҳтимом, шу сабаб у таржимай ҳолида онаси доимий ишлашга мажбур бўлгани,

сини топиб, амал қилиш муддатини қалбақлаштириб олади.

16 ёшида эса у телефонлар тармоғини бошқара олар ва кўнғироқларни бепул амалга оширишни биларди. Аммо бу «хунар»идан тез орада зериккан ўсмир ўзини чалғитиш учун мактабнинг компьютер синфида узоқ вақт ўтириб, қўлланмалар ва компьютер тармоқларини ўрганди. Шундан кейин кўп ўтмай, ўзининг биринчи жиддий ҳақерлигини мактабнинг маҳаллий тармоғида амалга оширди. Бир вақтнинг ўзида унда баҳоларини мактабнинг электрон базасидан

си тармоғига кириш орқали катта ҳажмдаги маълумотларни қўлга киритди. Кўп ўтмай, бу иши учун қўлга олинди ва уч ойга вояга етмаганлар ахлоқ тузатиш муассасасига бир йил синов муддатига ҳукм қилинди.

Бироқ, ҳатто қамоқхонада ҳам у вақтни беҳуда ўтказмади. Кутубхонада ахборот хавфсизлиги оид бир қанча қўлланмаларни ўрганиб чиқди.

Озодликка чиққанида, у энг яхши мутахассисни жамлаган телефон тармоқлари ҳақида барча билимларга эга эди. Митник рўйхатдан ўтмаган телефон рақамларини яратиш, бошқа бировнинг рақамидан кўнғироқ қилиш, суҳбатларни тинглаш ва ўчиришга қодир бўлган устасифаранга айланган.

ПОЛИЦИЯ БИЛАН ҲАМКОРЛИК
Иккинчи марта қамалиб чиққач, Митник ҳақерлик фао-

Эълон

«BANYAN» МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган такрорий очик аукцион савдосига таклиф этади!

2022 йил 14 сентябрь куни соат 15:00 да бўлиб ўтадиган очик аукцион савдосига “Аmmofos-Maxam” АЖнинг 19.08.2022 йилдаги №3/24-1588-сонли хатига асосан жамият тасарруфига бўлган Тошкент вилояти, Пискент тумани, “Й.Охунбоев” ФХУда 1,5617 Га. ер майдонига жойлашган ҳамда умумий фойдаланиш майдони 6114,06 кв.м.дан иборат бўлган ферма бино ва иншоотлари такроран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 2 516 966 294 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулк 2022 йил 14 сентябрь куни соат 11:00 да сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 29 сентябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулк билан буюртмачи ташкилот вакиллари иштирокида бевожоба манзилга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагини билдирган талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишуви асосан кўчмас мулк бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пули тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат билан бирга қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари шарт:

–юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда;

– жисмоний шахслар – паспорт нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда;

паспорт нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда.

Аукцион савдоларида иштирок этувчи талабгорлардан буюртмачи томонидан қабул қилиш расмий иш кўнлари (шанба, якшанба ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Талабгорлардан буюртмачиларни қабул қилиш савдо ўтказиладиган кундан бир иш куни олдин соат 16:00 да тўхтатилади. Савдо голибига аукцион савдоси натижалари бўйича голибик баённомаси имзоланган санадан бошлаб, 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси имзолаш ҳамда кўчмас мулкнинг сотув қийматидан 15 фоиз миқдорда ҚҚС тўлаш ва савдо ташкилотчисининг ҳисоб рақамига 5 банк куни ичида 0,5 фоиз миқдорда пул маблағларини тўлаш мажбурияти юклатилади.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 51-уй.

Заказат пулини тўлаш учун реквизитлар: «BANYAN» МЧЖ, АТ “Xalqbank” Тошкент шаҳар филиали амалиёт бўлими. Ҳ/р: 20208000100757166001. МФО: 01132. СТИР: 304 802 952.

Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 51-уй.
Телефон: (+998-71) 236-25-53.
Лицензия RR – 0298.

